
Меҳр-саховат улашиб

Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси Дилшод Усманов ҳамда фонднинг вилоят бўлими бошқаруви раиси Баҳодиржон Юлбарсовлар Марғилон шаҳар ҳокимлиги вакиллари иштирокида “Машад” маҳалла фуқаролар йиғини “Саодат” кўчаси 21-уйда истиқомат қилувчи 92 ёшли Халимахон ая Юнусова хонадонига ташриф буюриб онахонга ногиронлик аравачаси ҳамда совға саломларни етказдилар.

Халимахон ая қувончдан кўзларига ёш олиб раҳбарларга миннатдорчиликларини билдирган ҳолда элу юртимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлиги бардавом бўлишини тиладилар.

2022-06-29 17:01:44